2013 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (12.326)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ*

## 2012 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2013 ЙИЛГИ ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. **Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики,** глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш таъминланди.

Ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми – 7 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми – 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга ўсди. Инфляция суръатлари режалаштирилган даражада сақланди ва 7 фоиздан ошмади.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга барча харажатларнинг 59,2 фоизи йўналтирилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар бир йилда ўртача 26,5 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса – 17,5 фоизга ўсди.

Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этган асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ошиб бориши иқтисодиёт ўсиши барқарор юқори суръатларининг ва унинг тузилмаларини диверсификациялашнинг асосий манбаи бўлди. 11,7 миллиард долларга тенг миқдорда ёки 2011 йилдагига қараганда 14 фоиз кўп инвестициялар жалб этилди. Барча инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини ёки 2,5 миллиард доллардан ортиқни хорижий инвестициялар ташкил этди, улардан 79 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Барча инвестицияларнинг 74 фоизга яқини ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди. 205 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1,12 миллиард доллардан ортиқ миқдорда таъминланди. Экспорт таркибида хом ашё бўлмаган тайёр товарлар экспорти 70 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Молия-банк тизими барқарор ишлаб, 2012 йилда унинг жами капитали 24,2 фоизга, депозитлар ҳажми – 31,5 фоизга, шу жумладан аҳоли депозитлари – 34,6 фоизга кўпайди. Банкларнинг инвестиция мақсадлари учун ажратилган узоқ муддатли кредитлари ҳажми 30,7 фоизга кўпайди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди – 80 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар, фаолиятнинг 15 турини лицензиялаш бекор қилинди, статистика, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш шакллари ва даврийлиги 1,5-2 бараварга қисқартирилди. Бу 2012 йилда кичик бизнеснинг 23 мингтадан ортиқ янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоизгача ўсди, унинг экспорти ҳажми эса 2,2 миллиард доллардан ортиқ бўлди.

Хизматлар соҳаси, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоизга), компьютер дастурлаштириш (18 фоизга), технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (17 фоизга), молия-банк хизматлари (17,6 фоизга) сингари хизматларнинг юқори технологик ва бозорга хос турлари юқори суръатлар билан ривожланди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳаси улуши 52 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Аҳоли бандлиги дастурларини амалга ошириш доирасида 973,5 мингта, шу жумладан қишлоқ жойларда 602,4 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларининг 2012 йилда ўқишни тамомлаган 450 мингтадан ортиқ битирувчиларини ишга жойлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга ҳудудларни комплекс ривожлантиришни, энг аввало саноатни ривожлантириш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қишлоқ жойларда замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасида анчагина фойдаланилмаётган захиралар ва имкониятлар мавжуддир. Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ва бошқа вилоятларда мавжуд салоҳиятдан суст фойдаланилмоқда.

Иқтисодий инқироз давом этаётган ва жаҳон иқтисодиётининг ўсиши суръатлари пасайиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларнинг замонавий турларини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2. **Иқтисодиётда эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридаги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилаётган вазиятдан келиб чиқиб, қуйидагилар 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари этиб белгилансин:**

иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Иқтисодиёт**

## ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

***Ишлаб чиқариш корхоналарида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлаш ишларининг амалга оширилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот сифати ортиб, улар четдан келтирилаётган худди шундай товарлар билан бемалол рақобатлашмоқда. Янги лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши эса бугунги кун талабига мос маҳсулот турлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Тадбиркорлар учун яратилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, бозор талаблари асосида иш юритаётган «ELITE GLOBAL PLAST» масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада ўз нуфузига эга.

Фаолиятини 1995 йилда полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш билан бошлаган корхона, кейинчалик замон талабига мувофиқ, аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида пластмасса маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйди.

— Кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган ошхона идишлари, уй-рўзғор буюмлари, жами юздан ортиқ маҳсулотларимиз истеъмолчиларга етказиб берилмоқда, — дейди «ELITE GLOBAL PLAST» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Рихситилла Сакиев. — Дастлабки йилларда корхонамиз 5-10 та ходим билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 50 дан ортди. Эътиборли томони, коллеж битирувчилари учун иш ўринлари яратилмоқда. Маҳсулотларни Хитойдан келтирилган технологиялар асосида ишлаб чиқармоқдамиз. Бугунги кунда маҳсулотларимиз нафақат Тошкент шаҳри, балки Республиканинг барча вилоятларига етказиб берилади.

Шу билан бирга қўшни давлатларга ҳам маҳсулотларимиз экспорти амалга оширилмоқда. Бу корхона фаолиятини кенгайтиришга, иқтисодий барқарорликка эришиш имконини бермоқда.

— Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган саноат ярмаркаларида 2011 йилдан бери қатнашиб келамиз, — дея сўзини давом эттирди Рихситилла Сакиев. — Айнан Ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси туфайли маҳсулотларимизни янада кенгроқ намоён этиш имконига эга бўлдик. Муҳими биз, иштирокчилар кўргазма доирасида бўлиб ўтадиган тармоқлар ва корхоналар тақдимотида қатнашиб, тажриба алмашишимиз ва шартномалар тузишимиз мумкин. Юқоридаги тадбирлар бизга ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида янада кенгроқ маълумот бериш, шерикларни излаб топиш ва аҳолига маҳсулотларни етказиб бериш имконини яратмоқда.

Корхона дизайнерлари бозорни ўрганиб ва буюртмачи талабидан келиб чиқиб, янги идишлар дизайнини яратиш устида тинмай изланишади. Энг муҳими, корхонада тайёрланаётган бундай маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Афзал Ортиқов мазкур мамлакат Президенти Андрис Берзиньшга ишонч ёрлиқларини топширди.***

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги, шунингдек, маданий ҳамда гуманитар ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, турли йўналишларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш учун салоҳият мавжуд эканлиги қайд этилди.

Латвия Президенти Ўзбекистоннинг раҳбариятига ва барча халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар изҳор этди.

**"Жаҳон" АА.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Товарларни божхонада электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

**● Урганч шаҳрида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган он-лайн конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ҳудуднинг сайёҳлик салоҳияти, туризм хизматлари кўламини кенгайтириш борасидаги имкониятларга доир тақдимотлар ўтказилди. Шу билан бирга, «Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури» лойиҳаси юзасидан иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.**

**● Жомбой тумани Деҳқонобод қўрғонида сўнгги русумдаги технологиялар, лабораториялар билан таъминланган ҳамда жаҳон андозалари асосида йилига икки марта пилла етиштиришга мослаштирилган ипак қурти боқиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушди.**

**● Андижон шаҳрида «Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги — оила фаровонлиги гаровидир» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбир Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида «Меҳримиз сизга» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилди. Унда грант маблағларини хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш каби мақсадларга сарфлаш режалаштирилгани маълум қилинди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШнинг «Boeing» авиаконцерни «Boeing 787 Dreamliner» русумидаги самолётларни ишлаб чиқаришда давом этади. Бу ҳақда «Франс пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Гап шундаки, Япония авиакомпаниялари томонидан харид қилинган шундай русумдаги самолётлар билан айрим кўнгилсиз воқеалар юз бергач, оммавий ахборот воситаларида «Boeing» бу туркумдаги ҳаво лайнерини йиғишни вақтинча тўхтатади» мазмунидаги маълумотлар тарқатилганди. Аммо АҚШ авиаконцерни мутасаддилари самолётлар билан боғлиқ камчиликлар аниқланганини ҳамда уларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилганини таъкидлаб, буюртмалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини билдиришди.**

**● 2012 йилда Франциянинг «Renault» автоконцерни маҳсулотлари савдоси 6,3 фоизга пасайган. Бу олдинги йилдагига нисбатан 2,55 миллион дона автомобиль кам сотилди, деганидир. Экспертларнинг изоҳлашича, Европада мазкур русумдаги машиналарга талаб сезиларли даражада сустлашган. Шу боис корхона мутасаддилари муаммони бартараф этиш чораларини изламоқдалар. Жумладан, 2016 йилга қадар мавжуд иш ўринларининг 7,5 мингтага яқинини қисқартириш режалаштирилмоқда.**

**● Европанинг бир қатор мамлакатларида тинимсиз ёғаётган қор туфайли самолётлар қатнови издан чиқди. Хусусан, Лондондаги «Хитроу» аэропорти вақтинча ёпиб қўйилди. Бунинг натижасида 260 та рейс бекор қилинди. Париждаги «Шарль де Голль» ва «Орли» аэропортларида ҳам 40га яқин йўналишдаги парвозлар кечиктирилди. Бундан ташқари, Бельгия, Франция, Англия каби мамлакатларда поездлар ҳаракати ҳам тўхтаб қолган. Синоптиклар бундай ноқулай об-ҳаво шароити бир неча кун давом этишини билдирганлар.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида «Ободлик — кўнгилдадир» деб номланган тадбир уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида «Ёшлар истиқболи илм ва изланишдадир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги 123-мактабда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Шеър ва шуур» тадбири ўтказилади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ*

# 2012 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2013 ЙИЛГИ ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, йилнинг ҳар чорагида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларида ишларнинг ҳолати тўғрисида вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 2012-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

Фойдаланилмаётган заҳиралар ва ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган дастурларга ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб устувор йўналишларни белгилашга, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш ва қурилиш индустриясини, ахборот-коммуникация технологияларини ва хизматлар соҳасини жадал ўстиришга ҳамда шу асосда ёшларнинг бандлигини таъминлашга, ҳудуднинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашига эришишга ва субвенцияларни камайтиришга алоҳида эътибор берган ҳолда тузатишлар киритилсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида шу йилнинг I чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси минтақаларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида кўриб борсин.

5. Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ўзаро боғлиқлигини, ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ишларни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида I чорак ва ярим йиллик якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ғуломов), хўжалик бирлашмалари – масъул ижрочилар билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2013 йилги иқтисодий дастурни бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳолатини танқидий ўрганиб чиқсинлар ва ишлар жадвалларига тузатишлар киритган ҳолда уларни амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Президиумида ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси (Басидов) икки ҳафта муддатда буғ-газ электр станцияларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишда технологик йўқотишларни қисқартириш юзасидан комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев)ни жалб этган ҳолда манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш тўғрисидаги Фармони лойиҳасини тайёрласин ва киритсин, унда Экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармасини ташкил этишни назарда тутсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва институтлар билан биргаликда ҳар чоракда жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонларга мувофиқ мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини баҳолаш якунларини чиқарсинлар ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ортиқча чеклашларни, бюрократик тўсиқларни ва бошқа тўғаноқларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ўзгариши натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Азимов) Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Басидов), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Файзуллаев), «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (Абдуллаев), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (Раматов), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (Холмуҳамедов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Холматов) билан биргаликда "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида 2013 йилда ишлаб чиқариш объектларига ўтказиладиган транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишни жадаллаштириш жадвалларини икки ҳафта муддатда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ғаниев), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) ва Молия вазирлиги (Гуськова), Жиззах вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жиззах вилояти ва унга чегарадош ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестицияларни ҳамда илғор инновация технологияларини жалб этиш мақсадида эркин индустриал зона ташкил этиш бўйича барча тайёргарлик тадбирларини ва Хитой Халқ Республикасининг ваколатли органлари билан таъсис ҳужжатларини келишишни 2013 йилнинг I чорагида тугалласин.

12. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида "2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги дастурда назарда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар чоракда кўриб чиқилишини таъминласин, уларнинг бажарилишини жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин.

13. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси (Абдуллаев), Республика йўл жамғармаси (Шукуров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2013 йилга мўлжалланган параметрларини сўзсиз бажариш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

14. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (Раматов) темир йўл коммуникацияларини ва транспортни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари бажарилишини икки ҳафта муддатда танқидий баҳоласин ҳамда тармоқ жадвалларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаган ҳолда уларга аниқлаштиришлар киритсин, бунда 2013 йилда Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўли участкасини электрлаштириш, 240 километр узунликдаги темир йўлларни реабилитация қилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишга, шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг қуйиш-механика заводини модернизациялашнинг тугалланишига алоҳида эътибор қаратсин.

15. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзоҳидов):

халқаро ва тармоқ стандартларини, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторлари тизимини амалиётга жорий этиш ҳамда улар бўйича тизимли мониторинг олиб бориш;

«Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш Концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш;

коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, ахборот узатиш тезлигини ошириш, 2 минг километрдан ортиқ толали - оптик тармоқлар қурилишини тугаллаш ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан юқори тезликда кенг полосали фойдаланишни таъминлаш, Интернет тармоғида турли йўналишдаги замонавий маҳаллий веб-ресурсларни яратиш;

2013-2017 йиллар даврида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг Комплекс дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун 2013 йил 1 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўмитани ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги Фармони ва қарорининг ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини ҳар чоракда кўриб чиқсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси (Хошимбеков), "Даврархитектқурилиш" қўмитаси (Закиров), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), "Қишлоқ қурилиш банк" (Муллахонов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда жорий йилнинг февраль ойи охиригача қишлоқ жойлардаги якка тартибда уй-жой қуриш мавзеларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этиш бўйича молиялаштириш ва қурилишнинг бошланишини таъминласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси, "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банки, "Даврархитектқурилиш" қўмитаси (Тохтаев), «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Басидов) ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси (Жўраев) раҳбарлари Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилишнинг тасдиқланган дастури параметрларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров, "Даврархитектқурилиш" қўмитаси (Тохтаев), "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси (Шодиев) Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсупов), "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси (Акрамов), бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 майигача бўлган муддатда 2013-2015 йилларда қурилиш индустриясини ривожлантириш комплекс дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, унда бинокорлик ва пардозлаш материалларининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, пудрат ташкилотларининг техник жиҳозланганлигини оширишни назарда тутсинлар.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарлари тармоқлар ва ҳудудлар бўйича 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Олий Мажлис томонидан маъқулланган асосий йўналишлари ва параметрларини бажариш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов) 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) билан биргаликда ташкил этилаётган иш ўринлари кўрсаткичларининг ишончлилиги юзасидан танлаган ҳолда текширишлар ўтказсин ҳамда дастурнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда ўз мажлисларида тармоқлар ва мамлакат ҳудудлари бўйича 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг тасдиқланган дастури бажарилишини кўриб чиқсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига 2012/2013 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, битирувчиларни ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун салоҳиятли иш берувчилар иштирокида вилоятлар марказларида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги юзасидан назоратни, айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортган ҳолда кучайтирсин.

20. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда "Обод турмуш йили" Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилишини тугалласин ва киритсин, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, аҳолининг заиф қатламлари ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт шарт-шароитлари ва сифатини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутсин.

21. Мазкур протокол қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 18 январь*

**Қонун ва ижро**

## АРХИВЛАР ФАОЛИЯТИ ТОБОРА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***1992 йил 19 июнда Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси («Ўзбошархив») тўғрисидаги Низомни ва «Республика марказий давлат архивлари тармоғини тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди. Унда асосан «Ўзбошархив» («Ўзархив» агентлиги) тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва бошқарманинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди.***

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда қонунчилик тизими ўзгартирилиб, баъзи бир соҳалари деярли янгитдан шакллантирилди. Турли хил ҳуқуқий соҳаларнинг мослашувига асосланган, комплекс характерга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Бунинг амалий натижаси сифатида 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонунини келтириш мумкин. Мазкур қонун Ўзбекистон тарихидаги архив ишларини назорат қилувчи дастлабки қонун бўлганлиги сабабли нафақат тарихий воқелик ҳисобланади, балки мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ижтимоий, илмий-маданий, ахборот ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш, жамлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилаб беришга қаратилган янги турдаги қонун сифатида эътироф этилади.

«Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон архив иши юзасида чет эл мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиши белгилаб берилди. Мазкур моддага асосан ўз архивларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасидан четга олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариш халқаро шартномалар асосида амалга оширилиши таъкидланди.

Қонун ва қарорларнинг амалиётга татбиқ қилинишида архивларнинг чет эл мамлакатлари билан имзолаган битимлари муҳим аҳамиятга эга. Шундай битимлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси («Ўзархив» агентлиги) билан Россия Федерал архив хизмати ўртасида архив соҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимдир. Мазкур битим аввало Ўзбекистонда архив иши ва хизматини янада такомиллаштиришга имкон яратиб, бугунги кунга қадар ўз кучини йўқотмаган.

Шундай битимлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси («Ўзархив» агентлиги) билан Американинг Холокост Ёдгорлик Кенгаши ва унинг Вашингтондаги музейи ўртасида ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимдир.

«Архивлар тўғрисида»ги Қонун моддаларининг амалда бажарилишини ва уларга риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш мақсадида 2004 йил 3 февралда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси («Ўзбошархив» бошқармаси) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига айлантирилди ва унинг вазифаларидан бири қилиб архив иши соҳасидаги мамлакатимиз ва чет эл иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш белгиланди.

2010 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланди. Янги қонун 6 та боб 36 моддадан иборат бўлиб, 6-бобнинг 31-моддасига асосан архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланди. Ҳозирда чет эл мамлакатлари билан олиб борилаётган халқаро ҳамкорликлар, тузилаётган ва тузиладиган битимлар шу қонун асосида амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, архив иши ва иш юритиш соҳасидаги Қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши, улар асосида турли ҳамкорлик битимларининг тузилиши давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистонда архив ишининг бошқаруви ваколатли давлат органи, шунингдек, архивлари олдида турган баъзи муаммоларни ҳал этишда, мутахассислар малакасини оширишда, чет эл мамлакатларида мавжуд бўлган Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни олиб келишда, янги технологияларни жорий этишда ўз самарасини бермоқда.

**З. ДЖАББАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси КСОХМДА катта илмий ходими**

## МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Яккасарой тумани «Ватанпарвар» ўқув-спорт техника клуби нодавлат таълим муассасасида «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўзга чиққанлар тизимда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ҳамда чақириққача бўлган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ хўжалиги учун ҳайдовчи мутахассис тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритишди.

– Биз «Обод турмуш йили» муносабати билан ёшларни фойдали машғулотларга жалб этувчи кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирдик, – дейди Яккасарой туманидаги «Ватанпарвар» ўқув-спорт техника клуби директор ўринбосари Санобар Маматова. Бугунги тадбирда ҳозирги кунда ёш оилаларга берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, имтиёзлар тўғрисида тўхталиб ўтилди, ана шундай имкониятлардан қандай фойдалана олишлари кераклиги ҳақида уларга тушунчалар берилди.

Тадбир сўнггида фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

***Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси турли адабиётларга бой. Бу билим даргоҳида 5 миллиондан ортиқ нашрлар сақланаётир.***

**Маънавият**

## ЭНЦИКЛОПЕДИК НАШРЛАР

Зиё маскани ходимлари саъй-ҳаракати билан ноёб адабиётлар каталоги тайёрланди. Айни вақтда тематик кўргазмалар ташкил этилмоқда. «Янги олинган китоблар» кўргазмаси ҳам эътиборни ўзига тортади. Республикамизда ва чет элларда чоп этилган янги адабиётлар намуналари сифатида «Афоризмлар энциклопедияси», «Катта энциклопедик нашр» деб номланган нашрлар кўргазмаси ҳам очилди.

## ЯНГИ АДАБИЁТЛАР БИЛАН БОЙИДИ

***Республика болалар кутубхонаси қатор янги адабиётлар билан бойиди. Улар орасида кўзи ожиз болалар учун махсус китоблар анчагина.***

Атоқли ёзувчилардан Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Тоҳир Малик ва бошқа адибларнинг асарлари шулар жумласидандир. Китоб саҳифаларидаги матнлар асосида овозли ёзув кассеталари тайёрланди.

Кутубхонада 400 дан ортиқ овозли кассеталардан фойдаланиш мумкин. Бу нашрларни оммалаштиришда кўзи ожизлар жамияти ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**



**Фестиваллар**

## ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ БОЛАЛАРИМИЗ

***Миробод туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигидаги «Ақлга билим — қалбга маънавият» шиори остида тумандаги 110-умумтаълим мактабида «Обод юртнинг бахтли болаларимиз» мавзусида фестиваль ташкил этилди.***

Тадбирдан кўзланган мақсад вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва келажагимизнинг эгалари бўлган ёш авлодни ўз Ватанига, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқатли инсон руҳида тарбиялашдир.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилаётган ушбу фестиваль ҳар бир иштирокчининг ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини орттирди десак янглишмаймиз. Тадбир давомида ўқувчиларда ўзлигини англаш, ўз фикрини дадил айта олиш кўникмасини шакллантириш ҳамда боланинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида малакали психолог ва педагоглар ёрдамида тренинг машғулотлари олиб борилди. Яъни, семинар-тренинглар «Келажак бизнинг қўлимизда», «Ўзингни англа», «Замонавий ўқувчи қиёфаси», «Шахснинг ўсиши», «Менинг ҳуқуқларим ва мажбуриятларим» мавзуларига бағишланди.

Иштирокчиларнинг кайфиятларини кўтариш учун таниқли адиблар билан учрашув ҳам ўтказилди. Фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук бўлишларини таъминлаш мақсадида «Қувноқ стартлар» мусобақалари, баскетбол ва стол тенниси бўйича баҳслар уюштирилди. Ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида туман тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

# ИМТИЁЗЛАР ЭНГ ЯХШИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИ

***Жорий йилнинг 16-18 январь кунлари мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар учун тест синовлари ташкил этилди. Ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, тест синовларини топшириш натижалари бўйича энг кўп балл тўплаган муддатли ҳарбий хизматчилар мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномаларни олишга муносиб деб топилади.***



Сардор Ўрмонов (ЎзА) олган сурат

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳарбий хизматчиларни янада рағбатлантириш ва ҳарбий хизмат нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Қарорга мувофиқ, тегишли тавсияномаларга эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимизнинг бакалаврлар тайёрланадиган барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Тавсияномалар улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорида бундай тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга эришган, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилиши лозимлиги қайд этилган. Бу, ўз навбатида, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш, армиямиз сафларини жисмонан соғлом, маънан етук ёшлар билан тўлдириш имконини беради.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг тегишли қарори билан тасдиқланган махсус Низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-маърифий дастурларни ўзлаштириши, билим даражасини якуний баҳолаш учун масъул орган этиб тайинланган.

Давлат тест марказидан маълум қилишларича, тест синовлари мавзуга оид учта блок бўйича 80 саволни – умумҳарбий тайёргарлик бўйича 40, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича 20 ва яна 20 мантиқий саволларни ўз ичига олган. Улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасаларнинг етакчи мутахассислари томонидан Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тузилган. Тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, уларнинг жанговар-хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига топширилади ва айнан шу маълумотлар жорий йил март-апрель ойларида ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим роль ўйнайди.

Тест синовларида Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисмлари ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўташ пайтида нафақат жисмоний чиниқмоқдаман, балки интеллектуал ва маънавий даражам ҳам ошмоқда, – дейди Наманган вилоятидан чақирилган оддий аскар Ҳасанбой Абдиқодиров. – Ўқув жараёни ҳарбий ишни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўзида мужассам этган фанлар ҳамда ихтисосликлардан иборат замонавий ўқув дастурларига асосланган. Бундан ташқари, турли ижтимоий фанларни ҳам чуқур ўрганмоқдамиз. Тест саволларига тўғри жавоб бердим, деб ўйлайман ва бу менга олий ўқув юртига киришдек эзгу орзумни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

*Саноат корхонаси «Корхона бош энергетигининг биринчи ўринбосари» лавозимига*
*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*
*Даъвогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади.*
*Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.*

**Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.**

*Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди.*
*Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*
*Мулоқот учун телефонлар:*
*241-10-81, 929-55-97.*

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 26 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Сергели тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани Файзли кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 36 794 м.кв., қурилиш ости майдони 7 141 м.кв., А, Б, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 36, 39, 41, 42 блоклардан иборат 2 қаватли маъмурий бино ва ертўладан иборат бино ва иншоотлар савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 2 931 507 579 сўм.

II. Миробод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уй, 71-хонадонда жойлашган, 3-қаватда жойлашган, 4 та яшаш хонали, умумий майдони 116,75 м.кв., яшаш майдони 79,94 кв.м. бўлган таъмирсиз уй-жой. Бошланғич нархи – 259 301 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг подвалида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни қўйиш жойи. Бошланғич нархи – 42 470 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 13 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

III. 2013 йил 12 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар Чилонзор тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилган:

1. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 м.кв., фойдали майдони 79,5 м.кв. бўлган, бир қаватли, 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли олтита савдо дўконлари. Бошланғич нархи – 111 508 218 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2011 йил 7 ноябрдаги 1-1051/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, Қатортол кўчасида жойлашган, умумий майдони 338,0 м.кв., фойдаланиш майдони 137,0 м.кв., ҳужжатсиз қурилма майдони 16,0 м.кв. бўлган савдо мажмуаси. Бошланғич нархи – 363 001 392 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖ нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

**«SPARETRA» МЧЖда 2012 йил 20 декабрдан 2013 йил 20 январгача ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.12.2012 | Чирчиқ шаҳар СИБ | 2009 й. и/ч. "Матиз Бест", д/р. 10 Y 671 DA | 16 000 000 | 17 050 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 1990 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 01 591 ECA | 7 474 224 | 8 550 000 |
| | | 1989 й. и/ч. "Зил 495810-02", д/р. 01 596 ECA | 8 233 814 | 9 500 000 |
| | | 1987 й. и/ч. "Маз 35551", д/р. 01 593 ECA | 7 028 764 | 8 150 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2006 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 B 355 FA | 17 413 850 | 18 700 000 |
| | | 1983 й. и/ч. "Ваз 21013", д/р. 01 G 475 KA | 1 042 931 | 1 250 000 |
| | | 2006 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 01 E 316 BA | 28 999 280 | 30 800 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1988 й. и/ч. "Ford", д/р.11 W 9962 | 5 257 920 | 5 750 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | 1984 й. и/ч. "УАЗ-452", д/р. 30 S 5374 | 819 336 | 1 050 000 |
| | | 1971 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 10 K 3502 | 248 402 | 330 000 |
| | | 1983 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 30 E 4651 | 555 212 | 660 000 |
| | | 1981 й. и/ч. "Газ 24", д/р. 11 M 9162 | 376 243 | 445 000 |
| | | 1976 й. и/ч. "Газ-242", д/р. 11 W 1039 | 477 867 | 540 000 |
| 03.01.2013 | Олмалиқ шаҳар СИБ | 1995 й. и.ч., "Espero", д/р. 40 W 901 BA | 11 821 828,50 | 12 650 000 |
| | | 1978 й. и.ч., "Ваз 21011", д/р. 10 N 365 DA | 1 780 623 | 2 000 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1974 й. и.ч., "Ваз 2103", д/р. 11 U 5308 | 1 442 369 | 1 600 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1997 й. и.ч., "OPEL OMEGA", д/р. 01 A 201 BA | 13 497 840 | 14 325 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 2009 й. и/ч., "Матиз", д/р 01 877 EAA | 13 879 350 | 14 800 000 |
| 07.01.2013 | Зангиота тумани СИБ | 2009 й. и/ч. Матиз Бест, д/р. 10 V 052 BA | 13 877 000 | 14 950 000 |
| 09.01.2013 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 565 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| | | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 536 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| | | 1989 й. и/ч. "ГБА Зил 495810-02", д/р. 10 AV 561 | 5 459 761 | 6 340 000 |
| | | 1991 й. и/ч. "Зил ММЗ 4502", д/р. 10 AV 537 | 6 150 625 | 7 130 000 |
| 10.01.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1982 й. и/ч., "Ваз-21016", д/р. 10 G 238 BA | 2 941 433 | 3 160 000 |
| 14.01.2013 | Қибрай тумани СИБ | "Уаз-469", д/р сиз | 273 870,10 | 320 000 |
| | | "ИЖ", д/р сиз | 127 380,70 | 160 000 |
| | | 1985 й. и/ч., "Уаз-396201", д/р 11 O 5451 | 233 486,20 | 280 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-24", д/р 30 T 61 68 | 457 971 | 490 000 |
| | | 1987 й. и/ч., "Газ-2411", д/р 30 T 4652 | 354 827,5 | 390 000 |
| | | 1979 й. и/ч., "Уаз-452", д/р 11 B 6259 | 592 364,3 | 645 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-24", д/р 11 W 6518 | 271 043,5 | 310 000 |
| | | 1977 й. и/ч., "Газ-2401", д/р 11 M 1943 | 560 911,9 | 615 000 |
| | | 1979 й. и/ч., "Уаз-451", д/р 30 Z 0473 | 1 061 226 | 1 145 000 |
| 15.01.2013 | Зангиота тумани СИБ | 1982 й. и/ч., "Ваз-21061", д/р 01 R 461 JA | 4 555 000 | 4 900 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 2011 й. и/ч., "Ласетти-CDX", д/р 10 K 636 DA | 44 500 000 | 47 200 000 |
| 21.01.2013 | Зангиота тумани СИБ | 2007 й. и.ч "Нексия" д/р 30 T 9697 | 11 587 000 | 22 000 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1981 й. и.ч "Ваз 2106" д/р 20 U 147 AA | 1 628 842 | 1 850 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1978 й. и.ч "Ваз 2011" д/р 10 R 317 AE | 2 100 000 | 2 250 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.

**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога такроран Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан, 14.06.2011йилдаги 16116-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Эркин» жарима майдончасида сақланаётган «ГАЗ-3102» русумли, д/р10BF187 бўлган 1998 йил и/ч техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 586 486 сўм.

**Аукцион савдоси 2013 йил 12 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 8 февраль куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

*«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармасида бугунги кунда 22 дона «MAN» русумли 15 $м^3$ ҳажмли юк ташувчи (самосвал) автотранспорт воситалари мавжуд.*

*Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудида барча турдаги юк ташиш бўйича хизматларни кўрсатади.*

*Нархлар келишилган ҳолда.*
*Маълумот учун телефонлар:*
*250-54-17, 247-97-53, 126-50-55, 503-13-31.*

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 361-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 1-уй, 1-қаватида жойлашган 79-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 50 449 695 сўм ва Бекобод шаҳри СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган «Цемент омборхонаси ва уни ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкон». Бошланғич баҳоси 88 299 588 сўм бўлган кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳри, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

Спорт янгиликлари

## БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

***Шаҳримиздаги «Express provekt dizayn» спорт мажмуасидаги каратэ-до бўйича «Шотокан» клуби доимо шуғулланувчилар билан гавжум. Бу ердан кўплаб нуфузли мусобақаларнинг ғолиблари етишиб чиққан.***



Тошкентда ўтказилган II шарқ яккакурашлари фестивали ғолиби Ҳасан Қодиров, республика чемпионатининг ғолиби Гулбаҳор Қодирова, Осиё, республика, шаҳар чемпионатлари ва Кубокларида совринли ўринларни эгаллаган 2 дан қора белбоғ соҳиби Дилноза Дўстмуҳаммедовалар шулар жумласидандир.

Зокиршоҳ Абдуллажонов ва Шоҳжаҳон Нуруллаевлар ушбу клубдаги машқларда қатнашиб, ўзларининг спортдаги илк қадамларини ташлашяпти. Ушбу ўсмирлар ва уларнинг ота-оналарининг ниятлари қатъий — келгусида улар мард, жасур, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар бўлиб етишишсин. Юқорида тилга олинган тажрибали клуб аъзолари, чемпионлар эса ёшларга бу борада ўрнак бўлишмоқда. Биз қизиқарли ва қизғин машғулотларда ўз маҳоратларини ошириб бораётган ёшлар орасидан албатта чемпионлар етишиб чиқишига ишонамиз.

**Даврон НУРМАТОВ**

**СУРАТДА: клубда машғулот ўтказилмоқда.**

**Алексей Попов олган сурат**

## ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Ўзбекистон бокс федерациясида мутасаддилар, мураббийлар, чарм қўлқоп усталари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.***

Унда бокс ривожи йўлида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз борди. Ўтган йил якунлари сарҳисоб қилинди. Ўтган йилда халқаро турнирлар ҳамда Ўзбекистон биринчилигида ўз вазн тоифаларида ғолиб ва совриндор бўлган боксчилар тақдирланди. Шунингдек, жорий йил режалари белгилаб олинди. Боксни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан тайёрланган янги Низом ҳамда иш режаси йиғилганлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, мураббийлар зиммасига ёш боксчиларнинг маҳоратини янада ошириш, халқаро мусобақаларга пухта тайёрлаш вазифаси юклатилди.

***Италияда 11-25 февраль кунлари футбол бўйича «Карнавал Кубоги» турнири уюштирилади.***

## ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР ИТАЛИЯГА БОРИШАДИ

Бир неча йилдан бери «Пахтакор» клуби тарбияланувчиларидан таркиб топган жамоа ушбу нуфузли турнирда иштирок этиб келади. Жорий йилги мусобақаларда 1993-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ғолиблик учун 12 гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга тушишади. Ёш пахтакорчилар ушбу турнирга собиқ пахтакорчи, ҳозирда «Пахтакор» ёшларига устозлик қилаётган Нўъмон Ҳасанов етакчилигида тайёргарлик кўришмоқда.

Дарвоқе, «Карнавал Кубоги» турнирига қуръа ташлаш маросими натижаларига кўра Нўъмон Ҳасанов шогирдларининг рақиблари номи маълум қилинди. Энди ёш пахтакорчилар ғолиблик учун Италиянинг «Аталанта», «Сиена», шунингдек, Македониянинг «Беласица» жамоалари қаршилигини енгишларига тўғри келади.

Айни кунларда ушбу турнирда муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган ёш пахтакорчилар ўқув-йиғин машғулотларига зўр беришмоқда.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

***Қатар пойтахти Доха шаҳрига соҳил футболи бўйича жаҳон чемпионатига саралаш баҳсларида иштирок этиш учун Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жўнаб кетишди.***

Жорий йилнинг сентябрь ойида Япония пойтахти Токио шаҳрида соҳил футболи бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионати финалига йўлланма берувчи саралаш баҳсларида ҳамюртларимиз Фаластин, Саудия Арабистони ҳамда БАА терма жамоаларига қарши ўйнашади. Гуруҳ беллашувларида биринчи ўринни эгаллаган терма жамоа Токиода ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

***Жорий йилда илк марта спортнинг академик эшкак эшиш бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатига Ўзбекистон мезбонлик қилади.***

## ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Аниқроқ қилиб айтганда, Самарқандда ўтказиладиган ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашишни ният қилиб қўйган Ўзбекистон терма жамоаси пойтахтимизда илк бор жорий йилги ўқув-йиғин машғулотларини бошлади. Ушбу машғулотларда 14 нафар энг кучли академик эшкак эшувчи спортчиларимиз иштирок этишмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Тақдимот

## МИЛЛИЙ ПАЗАНДАЧИЛИГИМИЗГА ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

***Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси ташаббуси билан миллий пазандалик санъати ривожига ҳисса қўшаётган Ҳаким Ғаниев ҳамда Лилия Николенколарнинг «Ўзбек миллий ошхонаси», «Хонаки таомлар», «Ҳаким Ғаниев билан шарқона зиёфат», «Палов тайёрлаш санъати» номли китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Маълумки, мамлакатимизда тарихий мерос ва маданий бойлик сифатида пазандачилик санъатини сақлаб қолиш, ўрганиш, бу борадаги миллий-тарихий анъаналарни табиий шароит ва озиқ-овқат технологиясининг замонавий тенденцияларини, илм-фан тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

Ушбу китоблар тақдимоти хорижда ва юртимизда ўзбек миллий пазандачилик санъатига қизиқиш, эгаллашга интилишдан келиб чиқиб, уни дунё бўйлаб тарғиб қилиш, асраб-авайлаш, ривожлантириш, таом тайёрловчи кадрлар салоҳиятини ошириш, пазандачиликка оид китоб ихлосмандларининг мулоқотини ташкил этиш мақсадида уюштирилди.

— Ўзбек миллий пазандачилиги санъати анъаналарининг турли-туманлигидан келиб чиққан ҳолда, хорижий мамлакатларда, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларда ошпазларимизнинг юксак маҳорати, ўзига хос тайёрлаш услуби, таомларнинг шарқона нозик дид, меҳр билан дастурхонга тортилиши, пазандачилик санъатини билишга интилишни кўрамиз, — деди Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаров биз билан суҳбатда.

Тадбирда 2012 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларнинг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ўзбек миллий пазандачилигини сақлаб қолиш ва уни янада оммалаштириш, халқаро миқёсда давр талабига жавоб берадиган овқатланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш борасидаги аҳамияти таъкидланди. Умумий овқатланиш ташкилотларининг овқат тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш маданияти, кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор тажрибаларни жорий этишда амалга оширилаётган ишлар, вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тажрибали ошпазлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбир савол-жавобларга бой, жонли мулоқот тарзида ўтди.

Тақдим этилган китобларнинг хорижда (Россия, 2012-2013 йиллар) сифатли қилиб, рангли фотосуратлар билан нашр этилиб, тарқатилиши нафақат юртимизда, шунингдек хорижда ҳам ўзбек пазандалик санъатининг кенг ёйилишига хизмат қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и/ч. Москвич, д/р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 562 266 сўм. 2. 14.07.2011 й. № 7662-сонли ижро ҳужжатига асосан 1992 й. и/ч. Ваз 2109, д/р. 10 D 8231. Бошланғич баҳоси – 2 779 969 сўм бўлган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. «Бекобод Савдо» МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 07.01.2012 й. № 9-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч. Дамас, д/р. 10 X 326 FA. Бошланғич баҳоси – 20 514 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 25 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 25 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 12 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 декабрдан 2013 йил 20 январгача ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.12.2012 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.12.2011 й. № 35515/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўшкўрғон 4-тор кўчаси, 95-уй (умумий майдони 800 кв.м., ер майдонида жойлашган турар уй жойлар) | 41 250 000 | 44 750 000 |
| 26.12.2012 | Юнусобод тумани СИБ | Юнусобод тумани СИБ томонидан 30.07.2010 й. № 23360/15 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 2-тор кўчаси, 88-90-уйда жойлашган соғломлаштириш ва кўнгилочар комплекси сауна | 120 360 000 | 130 400 000 |
| 28.12.2012 | Чирчиқ шаҳар СИБ | Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 5078-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, В. Хайдаров кўчаси, 27-уй, 3 хонадон | 9 101 093 | 10 100 000 |
| 11.01.2013 | Қуйичирчиқ тумани СИБ | Қуйичирчиқ тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 5853-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Тошлоқ қ.ф.й., А. Навоий даҳасида жойлашган АЁҚШ бино иншоотлари | 10 780 000 | 11 550 000 |
| 15.01.2013 | Чилонзор тумани СИБ | Чилонзор тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. № 1-2643/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Шарқ мавзесида жойлашган 25-уй, 66-хонадон | 38 000 000 | 42 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76.


Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Баъзилар бировни йўлга солишдан кўра йўлдан уришга мойил бўлишади.**

* * *

**Ҳар ким чекига тушганини кўради.**

* * *

**Бир оғиз аччиқ сўз қанчадан-қанча одамларнинг тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин.**

* * *

**Ўзини ҳурмат қилмаган бошқани ҳам ҳурмат қилмайди.**

* * *

**Ёмонга яхшилик қилсанг ҳам балога қоласан.**

* * *

**Самарасиз меҳнат одамни эзади.**

* * *

**Бировга қолган кун ўтмайди.**

* * *

**Бировни айблашдан осони йўқ.**

* * *

**Сен гина-кудуратни унутганинг билан ёмон унутмайди.**

* * *

**Балодан узоқ юрган маъқул.**

* * *

**Жоҳиллик билан талашиш оқилликдан эмас.**

* * *

**Ақлли аҳмоқдан асрасин.**

* * *

**Қўли очиқнинг йўли очиқ.**

* * *

**Ёмоннинг касофати урмай қўймайди.**

* * *

**Уйда қиладиган ишинг бўлмаса, уйга сиғмайсан.**

* * *

**Ким ақл билан гапиради,**
**Ким нақл билан.**

* * *

**Мен рақибларимга қарши курашмайман – аламимни меҳнатдан оламан.**

* * *

**Керакли одамни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб олишади.**

**Кераксиз кишини ёнларида туриб ҳам пайқашмайди.**

* * *

**Бахтидан юз ўгирган киши бахтсизликка учрайди.**

* * *

**Берганинг қайтади,**
**Еганинг ўтади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**


Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан 2012 йил 2 ноябрда Абдуқодиров Абдумурод Аббосович номига берилган 6267 рақамли 18 формали маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 141

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12967 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5